

# ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 136  
18  
АВГУСТ  
ЧОРШАНБА  
1954 ЙИЛ  
—  
БАҲОСИ  
20 ТИНИН.

## Б У Г У Н Г И С О Н Д А :

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (1-нчи бет).  
СОВЕТ ИТТИҒОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ССР ИТТИҒОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА. Дон этиштириши кўпайтириш учун қўриқ ва бўз ерларни яна ўзлаштириш тўғрисида (1-нчи бет).  
МТСларда қўриқли масаласига бағишланган республика кенгаши (2-нчи бет).  
Б. Ёқубов. — Уқитчи кадрлар ва халқ маорифи ходимлари билан ишлашни яхшилаш (2-нчи бет).  
В. Маждидов. — Алкоголизм — ўтмишнинг зарарли сарфоти (2-нчи бет).

Августнинг қолган кунларида ҳам гўза парварини кизгин давом этдирайлик! П. Еремий. — Механизациянинг кучи (3-нчи бет).  
М. Каримов. — МТС деворни газетаси (3-нчи бет).  
ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ. М. Аҳмедов. — «Музыка саводи» китоби тўғрисида мулоҳазалар (3-нчи бет).  
Гарбий Германия ёшлар делегациясининг Совет Иттифоқига қилган сафари тўғрисида айтганлари (4-нчи бет).  
Саудийлар Арабистони Америка «ёрдами»дан воз кечди (4-нчи бет).  
Мароқашда жиддий аҳвол (4-нчи бет).

### Мехнаткашларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялайлик

Мамлакатимизда Улут Октябрь социалистик революцияси тўғрисида дарор тошган социалистик тузум жамиятимизни кифолати тўғрисида ўзгартириб юборди. Экономикамизда, сениб ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар билан бирга совет кўп ишларининг маънавий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Социалистик тузумнинг буюк кучи янги кифолатда, янги ҳуқуқ-одат ва фаилат эгаси бўлган совет кишинин коммунизм инқоибдорни майдонга келтирди. Эксплуатация қишларидан бутунлай овоз бўлган бахтлир ҳаётимиз коммунистик партия раҳбарлигида янги ҳаёт қуришга, инқоиб қилишга, Ватанимиз бахт-саодати учун фидокорона меҳнат қилишга ўрганди. Замонамизнинг шон-шарафи, айли ва номусори бўлган коммунистик партия совет халқини коммунизмнинг ёруғ йўлларида шаҳмат дадамлар билан олға бошлаб олиб бормоқда.

Ичкиликбилан ошланган бузилишга, ҳаёт эр-хотининг акралишига сабаб бўлди. Системали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, алкогольизмга олиб боради. Бундай йўлга кириб кетган ҳарбир киши — ишчим, колхозчимни ёки илмий ходимни, барбир ким бўлишидан қатъий назар ўзининг меҳнат қобилиятига нутур етказди.

Коммунизмнинг музаам ва қудратли биносини барпо этаётган инқоибдор халқимиз меҳнат соҳасида зўр муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Шу меҳнат процессида, зовар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамга асосланган меҳнат процессида совет кишининг ахлоқий кифолати, ҳуқуқдорни, фаилатлари янги маъмури билан бойимда. Ватан ва халқ манфаатлари йўлида фидокорона, ҳаёт меҳнат қилиш совет кишининг юксак ахлоқий фаилати бўлиб қолди. Иттифоқимизга машҳур бўлган, ҳаёт меҳнати билан танилган Сирдарё районидagi «Харидат» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қўрамови Назира Йўлдошева, машҳур соҳибкор, Сталин мукофоти лауреати Ризамат Мусамухамедовларни ким танимайди. Булар меҳнат коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатаётган халқ нахрмонларидир.

Ичкиликбилан, маданий ва сениб ҳаётимизда қўлга киритган зўр муваффақиятлар билан бирга бизни олға томон юксалишимизга ҳалал бераётган сениб буржуазия ахлоқининг ба'зибир саритлари халқ ҳам давом этиб келмоқда, бунга мўтлаб чидаб туриш мумкин эмас! Бундай жинқач эскилик саритларидан бири ичкиликбилан-алкоголизмдир. Ичкиликбилан-алкоголизм буржуазия жамиятига ҳош бўлган ҳуқуқдорлардан биридир. Буржуазия жамиятининг бутун ахлоқий, аҳалий экпидуатини, жабр ва муомилаларининг асосий индикаторидир. Буржуазия мамлакатлари, АКШ, Англия, Франция ва бошқа мамлакатларда алкогольизм жуда ҳам авжига чиққан.

Бизнинг социалистик жамиятимизда алкогольизмининг юнланиши учун ўрни йўқ. Партия ва совет ҳукуматининг меҳнаткашларнинг маданий ва маданий йўлларини қондириш тўғрисида қилган қарарларини, халқ фаровонлигини янада оширишни таъмин этмоқда. Совет кишини партия ва ҳукумат таълим қўриқларида, янада фидокорона меҳнат қилмоқдалар, янги ҳуқуқдор эгалари бўлиб тарбияланмоқдалар.

Масала. «Ташсель-маш» завод ба'зи неҳаридидаги ишчилар ўртасида ичкиликбилан берилиб кетиш фактлари бор. Заводнинг б'ич шеҳида ишловчи маляр Сулқина, 24-нчи цех илчиси Суҳов, 2-нчи цех старший илчиси Марушқин ва бошқа ўртоқлар систематик равишда ичиладир. Натияжада улар меҳнат интизомини бузмоқдалар. Завод партия комитети ва унинг секретари ўртоқ Осипова ишчилар ўртасида оммавий тартибни ишларни суъайтириб юборган, завод ишчиларининг ахлоқий, фел-таъво, юриш-туриши устидан назорат олиб бормайди.

Алкоголизмга қарши кескин кураш олиб бориш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Ўзининг бу энг зарарли саритига қарши курашда соғлигини сақлаш ва маориф органилари муҳим роль ўйнашлари зарур. Колхоз ва ишчи клубларида, қироятхоналарда меҳнаткашлар ўртасида кенг равишда тушунтириш ишлари олиб бориш керак. Бунда матбуотдан, радиодан, кино ва пропагандининг бошқа воситаларидан кенг фойдаланиш, спиртли ичимликларнинг кўп истеъмол қилиш кишинларнинг соғлиғига жуда катта зарар етказишини тушунтириб бериш керак. Леция бюволари ва леция ишлари билан шугулланувчи бошқа ташкилотлар ичкиликбиланнинг зарари тўғрисида кенг равишда лекция ва сўхбатлар ташкил қилишлари лозим. Бу ишга турли мутахассислар, врачлар, испхиторлар, пропагандистлар ва бошқаларни жалб қилиш зарур.

Алкоголизмга — ичкиликбиланга қарши умумий курашни кўчатириб юбориш, эскиликнинг бу энг зарарли саритидан овоз бўлмаган кишинларга қарши жамоат назоратини ўзгатиш керак. Алкоголизм йўлига кириб кетишга, социалистик жамият қондаларини бузишга йўл қўймаслик зарур.

Ичкиликбиланга қарши кескин кураш олиб бориш билан бирга, меҳнат-ҳама меҳнатда коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, дўстларга ҳурмат ва оилага муҳаббат руҳида, социалистик жамият қондаларини бузишга йўл қўймаслик зарур.

Ичкиликбиланга қарши кескин кураш олиб бориш билан бирга, меҳнат-ҳама меҳнатда коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, дўстларга ҳурмат ва оилага муҳаббат руҳида, социалистик жамият қондаларини бузишга йўл қўймаслик зарур.

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ УРТОҚ А. И. ОСТРОУМОВНИ МЕХНАТ ҚЎЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ А. И. Остроумовнинг жамоат-сениб фаолиятига эдик йил тўлганиги муносабати билан унинг револю-

цион ҳаракатда ақтин иштирок этганини кайд қилиб Ўртоқ Александр Иванович Остроумов Меҳнат Қўзил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1954 йил, 16 август.

### ПАРТИЯ ВА СОВЕТ МАТБУОТИ ТЎҒРИСИДА ХУЖЖАТЛАР ТУПЛАМИ

«Правда» нашриёти партия ва совет матбуоти тўғрисидаги хужжатлар тўпламини босиб чиқарди. Тўплам «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг эдик йиллиги (1903—1953) тезислари билан бошланади.

Тўпламга матбуот масъалари юзасида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини с'ездлари на конференцияларининг қарорлари, партия Марказий Комитетининг энг муҳим қарорлари, инструктор-

лари, макубулари, совет ҳукуматининг декрет ва қарорлари, шунингдек партия матбуотининг вакифалари ҳақида партия марказий органининг бирданча редакцион мақолалари киритилган. Тўпламга партия с'ездлари томонидан қабул қилинган ва бутун бир тартибда янги тузиш таълим қўриқларида қарши илмий ахлоқининг асосий принципларидан биридир, деган доно кўрсатмаларини ҳаммаи эсда тутишлари зарур. Партия ташкилотлари коммунизм кураётган совет кишинларни халққа, ватанга, партияга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашлари керак.

Тўпламга 100.000 нуска босилиб чиқди. (ТАСС).

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуот соҳасида кўп йиллик ва самарали иш учун «Қизил Ўзбекистон» газетасининг Тошкент области муҳбири ўртоқ Хатан Иромова Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ерлиги билан мукофотланди.

дуими, туғилган кунига 50 йил тўлганлиги ва матбуот соҳасида 25 йилдан бундан ортиқ ишлаб келганлиги муносабати билан «Қизил Ўзбекистон» газетасининг Бухоро области муҳбири ўртоқ Ўлма Алыеви Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ерлиги билан мукофотланди.

### Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советида

### Дон этиштириши кўпайтириш учун қўриқ ва бўз ерларни яна ўзлаштириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия ва ҳукуматнинг илгани фойдаланилмадан ётган кўп миллионлаб гектар қўриқ ва бўз ерларни ишга солиш ҳисобига мамлакатда дон этиштириши кўпайтириш тўғрисидаги чакирғи қизгин қўллаб-қувватланганлигини ҳамда умумхалқ томонидан ма'қуланганлигини қонирш билан та'кидлайдилар. Қисқа муддат ичунда партия, совет ва ишчилик хўжалик органилари, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, саноат ва транспорт ишчилари қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, янги ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги МТС, колхоз ва совхозларни техника, асбоб-ускуна, запас қисмлар, уруғлик ва бошқа зарур материаллар билан таъминлаш соҳасида катта ишларни қилдилар. Қўриқ ва бўз ерларда ҳозирги замон ишчилик хўжалик машиналари билан таъминланган 124 та янги йирик дон совхоз ташкил этилди. Саноат, МТС ва совхозларнинг 150 миңдан кўпроқ малакали ишчилари, инженерлари, техниклари, агрономлар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассислари қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун ўз ихтиёрларини билан жўнаб кетдилар ҳамда бу ишга ақтин киришдилар.

1954 йил қўламинида янги ўзлаштирилаётган ерларда план бўйича белгиланган 2,3 миллион гектар ўрнига 3,6 миллион гектар майдонга бугдой ва бошқа экинлар экилди. Қўриқ ва бўз ерларга дон экинлари экиш плани колхозларда 156 процент ва совхозларда 176 процент бакарилди.

Қўриқлар тадбирлар натижасида Гарбий Сибирь ва Қозғистон районларида қўриқ ва бўз ерларга дон экинлари экиш ҳисобига қаланинган ялли ҳосили шу йилнинг ўзайдаб анча кўпайтирилди. Шу йил 10 августга 13,4 миллион гектар қўриқ ва бўз ерлар ҳайдалди, бу эса белгиланган планга нисбатан 103,2 процент ташкил этади. Омск, Ақмолинск, Новосибирск, Чкалов, Курган, Павлодар, Тюменск, Кунгуров, Қорағанди, Челябинск, Чита, Ақтўбинск, Шимолий Қозғистон, Ирикти ва Саратов областлари, Башқирдистон, АССР МТС ва колхозлари, шунингдек Сталинград, Ростов, Челябинск областларининг, Ставропол ва Красноярск ўлкаларининг совхозлари қўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш юзасидан план тошпирини ошириб бакардилар. Бундан ташқари, РСФСР ва Қозғистон ССРларни бирданча область ва республикаларнинг қўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш плани бўлмаган МТС ва колхозлари 10 августга 719 миң гектар қўриқ ва бўз ерларни ҳайдалди, шу музламан Амур области колхозларида 161 миң гектар, Сталинград области колхозларида — 129 миң гектар ва Бурят-Мўғулистон АССР колхозларида 104 миң гектар қўриқ ва бўз ерлар ҳайдалди. СССР бўйича шу йил 10 августга колхоз ва совхозларда ҳаммаси бўлиб 14,1 миллион гектар жуда умумдор қўриқ ва бўз ерлар ҳайдалган. МТС, колхоз ва совхозлар 1955 йилда экин экиш учун қўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш ишларини давом этдиримоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Қозғистон, Сибирь ва Урал районларида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида бу йил эришнинг муваффақиятларини фойдаланилмаган умумдор ерларни ўзлаштириш ҳисобига мамлакатда дон этиштириши кўпайтиришдан иборат буюк умумхалқ ишнинг бошланиши деб ҳисоблайдилар. Колхоз ва совхозларда дон экинлари майдонини янада кенгайтириш ҳамда меҳнат ва моддий воситаларни энг кам сарф қилган ҳолда дон этиштириши анча кўпайтириш учун мамлакатимизда мажбур бўлган гонг катта имкониятлар 1954 йилда 13 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш юзасидан белгиланган тошпирин билан сра туғмайди.

4. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, РСФСР Министрлар Советига, Қозғистон ССР Министрлар Советига, янги ерлар ўзлаштирилаётган районларнинг маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органиларига қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун келган ишчилар ва мутахассисларга зарур уй-жой ва моддий-маиший шароит яратиб бериш ишларига э'тиборни кучайтириш, бу ишда мажбур бўлган жиддий камчиликларни бартараф қилиш, бунинг учун МТСларда, колхозларда ва совхозларда уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилишини кенг равишда ташкил қилиш, шу билан бирга МТС ва совхоз ходимлари томонидан яна тартибда уй-жой қурилишини бутун чоралар билан рағбатлантириш тақдир этилсин.

Совет давлати қўриқ ва бўз ерларнинг катта майдонларини тез вақт ичунда ўзлаштириш учун зарур бўлган ҳамма имкониятларга эгадир. Мамлакат қишлоқ хўжалигида эндиликда малакали ишчи ва мутахассисларнинг жуда катта армияси ишламоқда. Саноатнинг МТС, совхоз ва колхозларнинг тракторлари, комбайнлари, автомобильлари, қишлоқ хўжалик машиналари, асбоб-ускуна ва материалларга бўлган талабни қондираолди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар: 1. Колхозларда ва совхозларда янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва қишлоқ хўжалик оборотида киритилиши мамлакатда галла запасларини кўпайтиришдан иборат умумдавлат ишга қўйилган катта ҳиссадир, бу — колхозларнинг ва колхозчиларнинг манфаатларига тўла жаав беради, чунки қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг барча томонларини муваффақиятлик равишда ривожлантиришга, қорва молларни ем-халқан билан таъминлашга, колхозларнинг экономикасини кескин суратда юксалтиришга ҳамда колхозчиларнинг натури ва тул даромадларини оширишга имкон беради. Шунинг учун ҳам бу йил қўламинида колхозлар, МТС ва совхозлар қўриқ ва бўз ерларда дон экинлари экиш планин ошириб бакардилар. 1955 йилда экин экиш учун қўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш бўйича белгиланган тошпирини муваффақиятлик равишда тўла ва ошириб бакармоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети янги ерларни ўзлаштиришнинг 1954 йилги тақрибисини ҳамда қўриқ ва бўз ерларни қўшимча суратда ишга солиш ҳисобига мамлакатда дон этиштириши анча кўпайтириш учун реал имкониятлар борлигини ҳисобга олиб, колхозчиларни, МТС ва совхоз ходимларини, маҳаллий партия, совет ва ишчилик хўжалик органиларини 1954 йилда қўриқ ва бўз ерларни ҳайдаш бўйича белгиланган тошпирини анча ошириб бакаринишга чакирдилар, токи 1955 йилда бу ерларда план бўйича белгиланган 13 миллион гектар ўрнига камиди 15 миллион гектар ёти ва кўзги шугдор қилинган майдонларга дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиш та'минлансин.

СССР Савдо министрлиги, Центросоюз ва уларнинг жойлардаги органилари қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларда савдо ташкилотларининг ишларини яхшилаш учун чоралар кўрсинлар, бу районлардаги МТС ва совхоз ходимларининг саноат ва озиқ-овиат моллари билан узулжиз равишда таъминланишига эришинилар ҳамда улар учун етарлича опхоналар, кейхоналар, дўконлар, матазилар, тикучилик ва ремонт мастерскойлари ташкил этинлар.

СССР Соғлиғини сақлаш министрлиги, СССР Маданий министрлиги ва Алоқа министрлиги янги ерлар ўзлаштирилаётган районларда етарлича касалхоналар, амбулаториялар, медицина пунктлари, кутубхоналар, радио ва киноустанюклар ҳамда алоқа бўлимлари барпо этинлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар: 1. Қўриқ ва бўз ерларни яна ўзлаштириш учун катта имкониятлар борлиги ҳамда бу ерларда қишлоқ хўжалик экинлари этиштирилиши тўла равишда механизациялантириш зарурлиги муносабати билан, СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, Тайёрлаш министрлиги ҳамда Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги янги ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги МТСларни, совхозларни ва колхозларни тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобильлари, асбоб-ускуналар, материаллар ва стандарт уйлар билан таъминлаш юзасидан, шунингдек элеваторлар, омборлар, йўллар ва кириш йўллари қуриш юзасидан тақдирлар ишлаб чиқсинлар.

2. Қўриқ ва бўз ерларни яна ўзлаштириш учун катта имкониятлар борлиги ҳамда бу ерларда қишлоқ хўжалик экинлари этиштирилиши тўла равишда механизациялантириш зарурлиги муносабати билан, СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, Тайёрлаш министрлиги ҳамда Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги янги ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги МТСларни, совхозларни ва колхозларни тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобильлари, асбоб-ускуналар, материаллар ва стандарт уйлар билан таъминлаш юзасидан, шунингдек элеваторлар, омборлар, йўллар ва кириш йўллари қуриш юзасидан тақдирлар ишлаб чиқсинлар.

3. Сибирь ва Қозғистон районларида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишлари асосан совхозлар ташкил қилиш йўли билан амалга оширилиши лозим эканлигини назарга олиб, СССР Совхозлар министрлиги, РСФСР Министрлар Совети ва Қозғистон ССР Министрлар Совети бу районларда дон совхозлари ташкил қилиш ҳамда уларни материал-техника жиҳатидан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқсинлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштираётган МТС ва совхозларни механизатор, инженер-техник, агроном ва раҳбар кадрлар билан муостаҳмақлаш ишга алоҳида муҳим аҳамият берадилар ҳамда талаб қилинган ҳолда ўн миңгача малакали ишчилар, агрономлар, инженер ва техниклар, айниқса совет ёшларини, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун қўнғили равишда жўнаб кетиш чакирғига шу йил қўламинида сингар қизгин давом берадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия, масаба союз ва комсомол ташкилотларини, барча колхозчиларни, МТС ва совхоз ходимларини, саноат қорхоналари ва транспорт ишчиларини қўриқ ва бўз ерларни қўшимча суратда ўзлаштириш соҳасида қўйилган умумхалқ вазифасини теалиқда бажариш учун, қишлоқ хўжалигини тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, запас қисмлар, ёнлиги, асбоб-ускуналар ва бошқа саноат буюмлари билан узулжиз таъминлаш ҳамда бу машиналарни ва материалларни янги ерлар ўзлаштирилаётган районларга ўз вақтида етказиб бериш учун социалистик муносабани кенг ривожлантиришга чакирдилар.

### Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида



Шу кунларда жоназон пойтахтимиз Москвага лоеисиз она-Ватанимизнинг ҳамма томонидан қишлоқ хўжалик ходимлари келиб турипти. Улар социалистик қишлоқ хўжалигининг гонг катта ютуқлари билан мукамал танишини учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси павильонларини зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар ва у ерлардаги экспонатларда акс этдирилган бой тажрибалар билан кенг танишаётлар.

Августнинг биринчи ярмида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида Тошкент областидан ҳам жуда кўп киши бориб келди. Сирдарё районидagi «Харидат» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қўрамови Назира Йўлдошева, шу колхоз партия ташкилотининг секретари, Социалистик Меҳнат Қўрамови Хайдар Жўнаббоев ва колхознинг бригада бошлиғи Сафар Хозматов, Янгиўла районидagi Сталин номида колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Абдулла Ортингов, шу райондаги Ворошилов номида мукофотин тажрибадор пахтакорни, Сталин мукофоти лауреати Назарали ота Нисоев, Калинин районидаги генерал Раҳимов номида колхоз-

нинг бригада бошлиғи Ханжамбой Зиев, Қорасув районидagi Ленин номида колхозининг раиси Туроб Нормухамедов ва бирданча ўртоқлар виставка павильонларини кўраб ананлар, жуда кўп тажрибалар ўрганидилар. Улар украинли галлакорлар, қозғистонли чорвадорлар, грузинли бөбөклар билан сўхбатлашдилар ва ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида бориб келаётган кишинлар ўз колхозларига қайтиб келгач, виставкада кўргатларини сўзлаб бермоқдалар.

Областимиз илгор колхозларининг а'золари виставка павильонларидида кўрган йилги тажрибаларини кенг қўлланиб, она-Ватанимизда янада кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун фидокорона курашмоқдалар. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида шу кунларда ҳам тўқтосиз кишинлар келиб турипти. Суратда: Тошкент ва Андижон областидан келган бир группа экскурсантлар марказий павильон енида.

Ф. Корнечко фотоси. (ЎЗАТГ фотохроникаси).





Гарбий Германия ёшлари делегациясининг Совет Иттифоқига қилган сафари тўғрисида айтганлари

БЕРЛИН, 16 август. (ТАСС). «Юнге вельт» газетаси Совет Иттифоқига қилган сафардан қайтиб келган Гарбий Германия ёшларининг баёнотини бугун босиб чикади.

Совет Иттифоқига қилган сафарини, дейилади баёнотда, биз учун юкит катта воқеа бўлди. Биз Совет Иттифоқига совет ёшлари антифашист комитетининг таклифи билан бордик. Бу — Гарбий Германия ёшларининг Совет Иттифоқига борган биринчи делегацияси эди. Бу делегация составида федерал республиканинг турли шаҳарлари вакиллари, турли касбдаги ва касбдаги ёшлар бор эди.

Биз Москвада, Ленинградда, Тбилисда, Сухумида, Гагрида ва Сталиногорскда бўлдик. Биз шаҳар ва қишлоқларда, заводларда ва олий ўқув юрталарида совет кишилари билан суҳбатлашди, учун тўла имонийликка эга бўлдик. Биз ҳамма ерда совет кишиларининг ўзини-ўзинга ҳурт эътиборини сезиб турдик. Биз ватанимизнинг парчалаб қолган қисмига Совет Иттифоқига ҳеч қандай ҳоқ-қамасизлик тўла имонийлик. Аслида совет кишилари Германиянинг қайта бирлаштирилишини, унинг билан адолатли суҳб тузилишини астойдил истайдилар.

Бизни, Гарбий Германия ёшларини совет ёшларининг ҳаёти қизиқтирган эди, ва биз эндиликда айтилганмики, Совет Иттифоқига ёш аҳоли кўниги яқинда ҳаёт кечиради, келажакка умид билан қаради, ўз Ватанини қизғин севади.

Хитой ёшлари СССРга ва мамлакатларига ўқишга бормоқдалар

ПЕКИН, 15 август. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой ёшлари 1500 дан кўпроқ киши ўз ишларини охиригача учун Совет Иттифоқига ва халқ демократияси мамлакатларига ўқишга йўналмоқдалар.

Уларнинг кўпчилиги олий техника ўқув юрталарига кириб ўқийдилар ва табиёт фанлари билан шуғулланидилар. Улар ватанга қайтиб бормаларидан кейин Хитойни қайтадан тиклаш иши билан шуғулланиш ниътидидилар. Уларнинг баъзилари олий педагогика ўқув юрталарида ўқиб, ўқитишга бўладилар.

1300 кишидан кўпроқ ўқувчи Совет Иттифоқига ўқийди, қолган ўқувчилар Германия Демократия Республикасида, Польшада, Чехословакияда, Венгрияда, Болгарияда, Руминияда, Албанияда, Кореяда ва Мугулистанда ўқийди.

Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг чақириғи

ШАНХАЙ, 17 август. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги Вьетнам меҳнаткашлар партияси ва Вьетнам Демократия Республикаси ҳукуматининг (19 август) ва мустақиллик эълон қилинганлигининг (2 сентябрь) 9 йилдан муносабат билан чақириқларини билдириди. Чақириқларда бундай дейилади: «Хитой-Хитойда яраш тўғрисида жинг табиғийда имволанган битимни қизғин раёқлаймиш! Яраш тўғрисидаги битимнинг баъжарилиши учун қатъий билан курашамиз!».

ВДР меҳнаткашлар партияси ва ҳукумати аҳолини эркин зоналарда ер ишлатиш бундан кейин ҳам ўтказиш учун курашга чақиради; мамлакатдаги турли миллатлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни мустақамлашга, умумий сайловлар йўли билан миллий бирлик учун курашга чақиради.

Сўнгра Вьетнам меҳнаткашлар партияси ва ВДР ҳукумати аҳолига мурожаат қилиб, уларни Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқлари ўртасида ҳамкорликни мустақамлашга, шунингдек Вьетнам, Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстликни мустақамлашга чақиради.

ХХРда халқ вакиллари мажлисларининг сессиялари

ПЕКИН, 16 август. (ТАСС). Хитой газеталари Хунань, Гуандун, Гуанси вилоятларида, шунингдек Чанчунь шаҳрида халқ вакиллари мажлисларининг сессиялари тўла бўлганлигини хабар қилмоқдалар. Сессиялар иқтисодий ва маданий қурилиш ишларининг бориши тўғрисидаги докладларни тингладилар ва муҳокама қилдилар. ХХР конституциясининг лойиҳасини мақбул қилдилар ва шу йилнинг 15 сентябрда қабул қилинган Умумхитой халқ вакиллари мажлисида депутатлар сайланди. Хунань вилоятида халқ вакиллари Умумхитой мажлисига 50 киши, Гуандун вилоятидан 46 киши, Гуанси вилоятидан 38 киши ва Чанчунь шаҳридан 8 киши сайланди. Депутатлар орасида илгор ишчилар ва деҳқонлар, жамоат ташкилотларининг кўча қўриғини ҳодимлари, фан ва маданият арбоблари бор.

Англия лейбористлар партияси делегациясининг Хитой Халқ Республикасида бўлишига доир

ПЕКИН, 16 август. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой Халқ Республикаси давлат маъмурий кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай кеча Англия лейбористлар партиясининг делегациясини қабул қилди. Чжоу Энь-лай делегация аъзолари шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Эттан, Бивен, Саммерсвилл, Бэрк, Филдинг, Уотсон, Эрншоу ва Франклин ҳозир бўладилар.

Хитой томонидан зиёфатда давлат маъмурий кенгаши бош министрининг ўринбосарлари Хуан Янь-пай ва Дэн Сяо-пин, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Чжан Хань-фу, ташқи савдо министри Е Цзи-чжуан, Хитой халқаро муносабатлар халқ институтининг президенти Чжан Си-жо, институт вице-президентлари Чжоу Кан-шен ва Цзинь Туан-шен, ташқи ишлар министрининг Гарбий Европа ва Африка мамлакатлари бўлимининг раҳбари Хуань Сян ҳозир бўладилар.

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ, ДЕМОКРАТИК ЭРКИНЛИКЛАРНИ, ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚ УЧУН ҲАРАКАТ БИРЛИГИНИ ТАМНИЛАЙЛИК

НЕННИ БАЕНОТИ

РИМ, 16 август. (ТАСС). Италия Коммунистик партияси билан социалистик партияси ўртасида ҳаракат бирлиги тўғрисида 1934 йил 17 августда имзоланган битимнинг 20 йиллиги муносабати билан «Аванти» газетаси Италия социалистик партиясининг бош секретари Пьетро Неннининг баёнотини эълон қилди.

Неннининг жумладан, таъкидлаб айтишча, ҳаракат бирлиги сиёсати аяниқса 1946 — 1953 йиллар даврида амалга оширилганлиги туфайли Италияда реакция кучлар сиёсатига муваффақиятли равишда қаршилик кўрсатилган эди.

Биз кейинги йигирма йил ичидagi тажрибани иқобий тажриба деб ҳисоблашимиз мумкин, дейди Ненни. Ҳаракат бирлиги эндиликда жуда кенгайиб кетди. «Ҳаракат бирлиги сиёсати партиалар ўртасида тор маънода тузилган шарнома битимлари чегарасидан четга чиқиб халқнинг тажрибаси ва сиёсий ҳамма учун озоқлик, тинчлик ва социал прогрессининг гарантиялари бўлиб қолди».

Ҳаракат бирлиги тўғрисидаги битим социалистик партиянинг мустақиллигини ва таъсирини йўққа чиқаради, деган мазмунда буржуа пропагандаси томонидан қилинган даъволарни Ненни рад қилди. «Партия, — деди у, — оқсалади йўлидан бормоқда. Партияда бўлган икки ажралиш (шу ажралишларнинг бирига 1947 йилда Сарагат бошчилиги қилди, 1950 йилда эса Ромита раҳбарлигида иккинчи ажралиш бўлган эди. — Редакция) ва кўп йиллар давомида партияга қилиниб келган қаттиқ ҳужумлар партияни бўшаштирмади ва уни жанговарлик қувватидан маҳрум қилмади, балки, аксинча, партия аъзоларининг ҳаммасида бўлган фикрни, яъни ҳаракат бирлиги сиёсати яхши натижалар беради, деган фикрни мустақамлади».

ЖДЕФ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ҲАЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ПЕКИН, 16 август. (ТАСС). Жаҳон демократик ёшлар федерацияси (ЖДЕФ) кенгаши сессиясининг кеча кечкурун охири мажлиси бўлди.

Моллия комиссиясининг раиси Понселе ЖДЕФ секретариатининг молиявий фаолияти ҳақидаги ҳисоботини ўқиб берди. Федерация президенти Беринни кун тартибининг биринчи моддаси бўйича иш комиссиясининг ҳисоботини берди. Кун тартибининг биринчи масаласи, яъни мустақиллик ва тарам мамлакатлардаги ёшлар ҳаракати ҳақидаги масала устида бўлган дискуссия вақтида, — деди у, — 60 дан кўпроқ нотиқ сўзга чиқди. ЖДЕФ кенгашининг сессиясида бу масаланинг кенг равишда муҳокама қилинганлиги, — деди Беринни, — жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг ёшлари ўртасидаги дўстликни, ҳамжиҳатлигини ва ҳамкорликни мустақамлаш ишига ҳеч шубҳасиз хизмат қилди.

Сессия қатнашчилари ЖДЕФ кенгашининг барча мамлакатлардаги йилгилар ва қизларга қарата чиқарган мурожаатини, қишлоқ ёшларининг халқаро сўбига таяёрларлик кўришида ЖДЕФ ва унинг ташкилотларининг иштирок қилиши ҳақидаги резолюцияни, ёшлар ва студентларнинг тинчлик ва дўстлик учун курашига бағишланган V жаҳон фестивалини ўтказиш тўғрисидаги резолюцияни, шунингдек Хитойда — Хитойдаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида Жаивада тузилган битимлар ҳақида ЖДЕФ кенгаши баёнотининг текстини банд руҳ билан қабул қилдилар.

ПЕКИНДА ЁШЛАРНИНГ ЖДЕФ КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИНГ ЭПИЛОГИГА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГИ

ПЕКИН, 16 август. (ТАСС). Бугун Пекин меҳнаткашлари Мадаини саройи майдонида пойтахт ёшларининг жаҳон демократик ёшлар федерацияси кенгаши сессиясининг эпиволига бағишланган митинги бўлди.

Митингга ЖДЕФ президенти Беринни, нотиқ сўзлаб, ҳозир бўлганларга ЖДЕФ кенгаши Пекин сессиясида қабул қилинган қарорлар тўғрисида сўзлаб берди. Митингга яна Бутунхитой демократик ёшлар федерациясининг раиси Ляо Чунь-чжи, сессия қатнашчилари бўлган бир-неча мамлакат ёшларининг делегатлари нотиқ сўзладилар.

Митинг охирида жаҳон демократик ёшлар федерациясининг бош секретари Жаке Дени ва Хитой ёшлари янги демократик союзи Маржаэй комитетининг секретари Ху Яо-бан митинг қатнашчиларига мурожаат қилдилар.

Пекин ёшларининг митинги барча мамлакат ёшлари бирлигининг ҳамда уларнинг тинчликка бўлган мустақам иродасининг ёрқин намоишига айланди.

САУДИЙЛАР АРАБИСТОН АМЕРИКА «ЕРДАМИ» ДАН ВОЗ КЕЧДИ

БАЙРУТ, 16 август. (ТАСС). Ливан газеталари Вашингтондан олинган хабарларга асосланиб билдиришча, Саудийлар Арабистони Американинг иқтисодий «ердами» дан воз кечган. АҚШ чет давлатларига ёрдам тўғрисидаги йонуи асосида бу мамлакатга 1951 йилдан бунён шундай ёрдам кўрсатиб келар эди. Газеталарнинг хабарларига кўрсатиб ўтилишча, Америка нефть компаниялари Саудийлар Арабистонида нефть чиқаришдан ҳар йили 200 миллион доллар фойда олмоқдалар. Саудийлар Арабистонинда эса 1953 — 1954 молия йилларида АҚШдан «ердам» сифатида бориётган 1.600 миң америка долларлари олган.

Шу хабарларда кўрсатилишча, Саудийлар Арабистонида иш олиб борман Америка четал операциялари бошқармаси миссияси яқин орада чақириб олинди.

МАРОКАШДА ЖИДДИЙ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 17 август. (ТАСС). Мароканда жиддий аҳвол давом этмоқда. Бир томондан қўшинлар билан полиция ва иккинчи томондан — ўз мамлакатининг миллий мустақиллиги учун курашлаган мароканликлар ўртасида қоний тўқнашувлар тез-тез бўлиб турипти. Мамлакатдан ҳайдаб чиқарилган сўлтон Муҳаммад бен Юсуфин қайтариш тарафдорлари билан шош Аъ-Глуанининг фианшуалар тарафдорлари бўлган яқин қишларни ўртасида ҳам қуролли тўқнашувлар бўлмоқда.


Париж матбуотининг хабар беришча, француз мустамаккачи маъмурилари сўнгги уч-тўрт кун ичида Марокан шаҳарларини «тозалаш» операциясини кенгайтириш юборганлар. Кеча Фес шаҳрида француз четал легионининг тўрт батальони, отлиқ аскарларнинг икки эскадрони ва полиция арбоблар маҳалласини ўраб олдилар ва ялли тинтув ўтказдилар. 130 та «шубҳали» мароканликлар қамолди олинди. Бундан ташқари, 200 га яқин киши сўроқ учун ушлаб қолинди. Аҳоли ана шу операция давомида уйларида қиммаслик тўғрисида буйруқ олди. Бу операцияга Франциянинг Марокандаги қўшинлари қўмондони генерал Дюваль раҳбарлик қилди. Франс Пресс агентлигининг хабар беришча, «операцияни тўхтатишда шахсан қатнашган учун» кеча Феста бош резидент Лавост келган.

Марокан, Унда шаҳарларида, шунингдек Рабатдан шара томондаги Мекнес қирида ҳам ана шундай ҳаёбий полиция операциялари ўтказилмоқда. Франс Пресс агентлигининг бошқа бир хабарига, ана шу операциянинг натижасида француз мустамаккачи маъмурилари «муҳим галаба қозонганлар», аммо ҳозирча «узил-кесил хулосалар чиқариш учун вақт келгани йўқ», дейилади.

Катта порт шаҳри бўлган Касабланкада ҳам вақтин жуда жиддийлашди. Бу ерда мустамаккачи маъмуриларнинг ҳаракатига қаршилик кўрсатиш юзасидан бундан бирнеча кун илгари эълон қилинган забастовка ҳали ҳам давом этмоқда. Автомашиналарга тўшган полиция шаҳар кўчаларида патруллик қилмоқда, кўчалар музолишида жуда кўп полиция постлари қўйилган.

ЯПОН ХАЛҚИ АТОМ ҚУРОЛИНИ ТАҚИҚЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

ШАНХАЙ, 16 август. (ТАСС). Япониядаги Киодо Цусин агентлигининг хабар беришча, Хиросима вилоятида (бу вилоятнинг бош шаҳри бундан тўққиз йил бурун америкаликлар томонидан атом бомбаси билан бомбардировка қилинган эди) одамларни қўллаб қиридан қурол-ни тақиқлашни талаб қилувчи мурожаатга 960 миң имзо тўланган. Хиросима вилояти аҳолисининг имзолари қўйилган 17 томдан иборат дафтарларнинг ҳаммаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига юборилган.



Суратда: Шота Руставели кўчасида қурилган янги уй-жой бинолари. А. Палехов фотоси.

Касаба союз гурупа ташкилотчилари ўз тажрибалари блан ўртоқлашмоқдалар

Тошкентдаги машинасозлик заводларининг икки юздан кўпроқ касаба союз гурупа ташкилотчилари ва мастерлари «Ташкентстильмаш» заводининг ёғи клубига тўпландилар. Яилганлар Москвада Сталин номили автозаводнинг тўртинчи механика-йиғув цехи 8-нчи участкаси касаба союз гурупа ташкилотчиси, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Тамара Тимошанининг сўзини зўр қизғин билан тингладилар.

Ўртоқ Тимошина бошчилигидаги касаба союз гурупаси участка ишчилари орасида кенг тарбилий иш олиб бормоқда.

Яиллишида «Ташкентстильмаш» ва «Ташсельмаш» заводларининг касаба союз гурупа ташкилотчилари пардозловчи ўртоқ Вихова ва тоқар ўртоқ Пурюблев ҳам ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Сабзавот келтириш ўтган ойларга нисбатан қўпайтирилди

Куйбишев районидagi Олай совет колхоз бозори исте-молчиларининг сабабот ва йонун-тарвуза маҳсулотларига бўлган ихтиёсини тўла қондиришда. Бозор дирекцияси шартномалашган колхозларга ўз инспекторларини тез-тез юбориб турипти. Бу таъдир бозорга турли маҳсулотларининг қўллаб келтирилишига катта ёрдам берайтир.

Шу кўнларда бозорга Мирзачўл, Паркент, Калинин, Оржоникиде районларидан ва қардош Қозғонистон республикасидадан қовун-тарвуза, шиб, картошка каби сабабот ҳамда ҳўл мевалар келтирилиши июнь, июль ойларига нисбатан бир йиллар арван қўпайиб сабабот ва мевалар арван нарх қилиб сотилмоқда.

Бозорга харқунин ўрта ҳисоб билан 10 тоннадан ортиқ картошка, 107 тоннадан ортиқ қовун-тарвуза, юзларча тонна олма, узум, помидор ва бир йриминг илгирга яқин сўт келтириляпти. Калинин районидан Сталин номи, Генерал Раҳимов номи, «Октябрь самараси» колхозлари, Оржоникиде районидан «Йил ўзбекистон», Киров номи, Маленков номи колхозлар бозорга жуда кўп миқдорда сабабот ва мева келтирмоқдалар.

Шоир Қ. Муҳаммадий блан учрашув

Яқинда Островский номидаги пионерлар саройида шоир Қуддус Муҳаммадий блан учрашув бўлди. Бунга пионерлар саройининг адабиёт, драм ва бадий ўқийш тўғрақларининг аъзолари қатнашдилар.

Учрашувда шоир Зайнинг «Хат», «Олимжон блан олма», «Сентябрь яқин» каби шеърларини ўқиб берди. Шоирнинг ташлаштириш имконияти тўғрисида ҳам маъруза берди. Шоирнинг «Хат» номидаги асарларида шундай хусуси ҳақида ўқувчилардан Х. Раҳимов, У. Мухиддинов, А. Шононов, Ю. Шомансуровлар сўзладилар. Учрашув жуда қизиқарли ўтди.

ПОЧТА ВА ТЕЛЕГРАФ ИШЛАРИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Шаҳарда почта ва телеграф ишлари кун сайин яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида Тошкентга келадиган ва Тошкентдан юнатиладиган хатларни тезлаштириш имконияти тўғрисида. Бепеён Ватанимизнинг турли област ва шаҳарларидан Тошкентга ҳар кун 39 миңдан ортиқ телеграмма ва хат келмоқда. Тошкентдан бошқа шаҳарларга эса 50 миңдан ортиқ хат ва телеграмма юнатишмоқда.

Тошкент шахрининг аҳолиси она — Ватанимизнинг турли шаҳарларида ва қишлоқларида яшовчи қон-қардош ва дўстларидан иккинчи квартал ичида 3 миңдан 670 миң хат ҳамда телеграмма олди.

Бир корхонанин куйин матбуоти

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўптаракли «Голос сталинца» ва «Сталинчилар овози» газеталари рус ва ўзбек тилларида 20 йилдан бунён нарз этилмоқда. Комбинатнинг фабрикаларида, ёрдамчи корхоналарида, бўлимларида 100 га яқин деворий газеталар, жумладан кўпгина комсомол газеталари, сатира, фотогазеталар чиқиб турипти.

Комбинат матбуотининг ишчи мухбирлар отряди 1000 кишидан ортиқдир. Кўпгина отряд ишчилари, масалан, Евдоким Визаголова ва Нурия Махсумова, мастер ёрдамчиси Ҳафиз Насриддинов ва бошқалар комбинатда чиқарилаётган газеталарнинг актив мухбирларидир.

Қардош республика артистларининг гастролли

Бошқирдистон АССР халқ ансамблининг 35 кишидан иборат артистлари республикада хизмат кўрсатган санга арбоб Файез Гаскоров бошчилигида Тошкентга келдилар. Улар Мансим Горский номидаги маданият ва истироҳат бонига катта концерт қўйиб бердилар. Концерт программасидан СССР халқларининг ўйинлари, усталик блан икром этилди.

Қардош республика артистлари томонидан муваффақиятли равишда икром этилган рақслар тамошобиларга манзур бўлди. Концерта 700 дан ортиқ киши қатнашди.

Экскурсиядан қайтиб келдилар

Шу йил 16 июлда Ўрта Осие политехника институтининг 27 аълочи ва жамоати студентлари институт комсомол комитетининг секретари, техника фаилари кандидати ўртоқ Т. Абдурашидов бошчилигида Москва ва Ленинград шаҳарларига экскурсияга кетган эдилар.

Экскурсантлар В. И. Ленин ва И. В. Сталин муволейида, «ЗИС», «Красный Октябрь», «Политехника» каби музейларда бўлдилар. Шунингдек улар Ленинград шаҳаридаги «С. М. Киров», «Зимний дворец» музейлари, «Петропавловск қалъа»сини тамоша қилдилар. Химия-технология факультети студентларидан Л. Шарипова, М. Садуллаева, Р. Шарипова ва геология факультети студентлари экскурсиядан Тошкентга қайтиб келдилар.

Болалар учун кинофестиваль

Тошкентдаги «Молодая гвардия» кинотеатри болалар учун чиқарилган кинофильмлар фестивалини ўтказмоқда.

Мактаб ўқувчилари «Кўчаниннинг қандаиси», «Сирхли мағазини», «Ўртоқлик шарафни», «Дарё устидаги чироголар», «Ойга сабаот», «Темур ва унинг юмандаси», «Мардик мактаби» каби фильмларни тамоша қилдилар.

Фильмларни мактаб болалари зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҲИМНИ НОМИ ТЕАТРДА (Ҳама номи театрининг ёғи биноси) — 18/VIII да Олтинқул, 19/VIII да Тоҳир ва Зухра. Тез кунда — Фарҳод ва Ширин. Коллектив бўлиб қуриш учун заявқалар қабул қилинади. ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА: «РОДИНА» (кундуз), НАВОИИ номи (кеч соат 5 гача), «ИСКРА» (кеч соат 9 гача), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечкурун), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», ТИ-КУЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОИНИ — янги венгер бадий фильми Қаҳрамоннинг қайлиги. «РОДИНА» — кечкурун Волочевка кунлари. НАВОИИ номи — кеч соат 5 да Одам шарафни, соат 10 да Африка (1-нчи серия). «ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб Ўртоқлик шарафни, кеч соат 10 да Дулай фарзанди.

Ўзбекистон VIII спартакиадасида

Кичик гурупаalarda футбол мусобақалари тамом бўлди. Ўзбекистон ССР ва Тошкент командалари уларни иштирок этаётган кичик гурупаalarda галиб чиқдилар. Булар ўртасидаги финал учрашуви — иккинчи чемпион бўлиши спартакиаданинг ёпилиш кунли ҳал бўлди.

«Динамо» стадионида енгил атлетика ва баскетбол мусобақалари бўлди. 100 метрга бўлган юғиринида Ўзбекистон ССР терма командасининг вакили Г. Сеньяин яқин натижага эришти. У, бу масофани 10.8 секунда босиб ўтди.

Хотин-қизлар ўртасида 100 метрга бўлган юғиринида наманганли спортчи С. Сапсиргина биринчи ўринни эгаллади. Диска иргитиш бўйича Ўзбекистон ССР терма командасининг вакили Г. Грушко чемпион номини олди. Ядро иргитишида хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон ССР терма командасининг вакили В. Роденко биринчилигини олди.

Шест баландликка сакраш бўйича бўлган мусобадада Ўзбекистон ССР терма командасининг вакиллари И. Чувилин ва Л. Мисеенколар ўзаро қаттиқ курашдилар. 3 метр 90 сантиметр баландликка ўрнатилган планнадан сакраб ўттиш учун Л. Мисеенко 3 марта жиддий ҳаракат қилди, лекин натижага эришаолмади. И. Чувилин эса, планкани 4 метр баландликдан ошиб ўттиб республика чемпиони деган фахрли номга эга бўлди.

800 метрга бўлган ирмфинал юғиринида Коленко (Фарғона) янги область рекорди қўйди. У, 2:00.2 секунд натижага эга бўлди. Самарқандли Вардаслов 2:00.3 секунд натижага эришти.

«Спартак» сув стадионисида сува тўп ўйини мусобақаси бўлди. Ўзбекистон ССР терма командаси самарқандликлар ўртасида 10:0 ҳисоби билан галиб чиқди. Хоразмликлар Тошкент ватерполистларидан енгилдилар.

«Динамо» стадионида баскетбол мусобақаси қизғин кураш вақтида ўтди. Тошкент область эркаклар командаси 66:34 ҳисоби билан Наманган баскетболчилари устидан галаба қозондилар. Тошкент область хотин-қизлар командаси эса, Самарқанд спортчиларига ютирди.

Округ офицерлар Ўйининг спорт майдонида гимнастика мусобақалари бўлди. Биринчи кун юқори разардлик гимнастикачилар мусобақалашдилар. Спорт мастери программаси бўйича мажбурий машқларга эркаклар ичида А. Марков (Ўзбекистон ССР терма командаси) олдида бормоқда. Еш гимнастикачи К. Сорган ундан 2.41 кам баллга эга бўлди. СССР спорт мастери В. Хримпал учинчи ўринда бормоқда. Биринчи разрядликлар ўртасида тошкентли гимнастикачилардан Бадалов ва Деватовлар олдида бормоқда.

А. Тарасов (Ўзбекистон ССР терма командаси) спорт мастери программаси машқда ҳаммадан кўп баллга эга бўлиб, ўз рақибларидан ўзиб кетди.

Биринчи кунги мусобақадан кейин биринчи разрядлик гимнастикачилар ўртасида тошкентли гимнастикачилардан Т. Булобаев ва Р. Алхасиллар кўпроқ баллга эга бўлдилар.

Спартакиада давом этмоқда.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.